Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 99 (21. 218) 1992 йил 20 май, чоршанба

БАҲОСИ 1 СЎМ.

И. А. Каримов:

«ХАЛҚ ДАРДИ — БИЗНИНГ ДАРДИМИЗ»

ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТЛАРИ БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, водийнинг Андижон вилояти Пахтаобод, Избоскан районларида 15 майдан бўён ер силкиниши содир бўлиб турибди. Беш кундирки, ер силкиниши давом этмоқда. Андижонликларни табиат яна бир синовдан ўт казмоқда. Ўзингизга маълум, яқинда бўлиб ўтган кучли ёмғир оқибатида талайгина пахта майдонларини сув олган эди.

Дастлабки ҳисобларга кўра, Пахтаобод районидаги «Коммуна» жамоа хўжалиги Маданият қишлоғида уч минг хонадон зарар кўрган. Улардан 130 таси бутунлай яроқсиз ҳолга келган. Шу сатрларни ёзаётганимизда ҳам — Тошкент вақти билан 12 дан 40 минут ўтганда яна бир ер силкиниши содир бўлди. Мутахассисларнинг ҳисобларига қараганда учта мактаб, 13 боғча, касалхона, дала шийпонлари, чорва иншоотлари, савдо шахобчалари ер силкинишидан жиддий зарар кўрган. Шунингдек, Андижон жамоа хўжалиги, «Гулистон» давлат хўжаликларида ҳам табиий офатдан катта зарар кўрилди. Зилзила оқибатларини тугатиш борасида зудлик билан барча тадбирлар амалга оширилмоқда. Республика Мудофаа ишлари вазирлигидан ҳарбий хизматчилар ёрдамга келишди.

— Зилзила оқибатларини бартараф этиш учун барча ишларни амалга оширяпмиз, — дейди Пахтаобод райони бўйича штаб бошлиғи, район ҳокимининг биринчи муовини О. Раҳимов. — Бугунгача 160 та чодир тикилди. Яна 100 таси келтириляпти. Марҳамат, Жалолқудуқ районлари, Андижон шаҳар суғурта вакиллари яқиндан ёрдам беряпти. Вилоятдан 216 тонна ун, 32 тонна гуруч, 21 тонна ўсимлик ёғи ва бошқа биринчи зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари келиб турибди. Одамлар ташвишланиб, ўз уйларига кириша олмаяпти. Шунга қарамай далаларда иш қизғин. Ягана, чопиқ давом этмоқда.

...19 май куни республика Президенти И. А. Каримов бошчилигида бир группа ўртоқлар зилзила содир бўлган жойга етиб келдилар. Улар офат оқибатлари қандай тугатилаётгани билан танишиб чиқдилар. Жума кундан бери қуёш ҳам кўринмаётган эди. Бугун кун чиқди, деб кўпчилик оқсоқоллар хурсанд бўлишмоқда. Зеро, қуёш чиққани рост бўлиб, ер силкиниши ўз шаштидан қайтса, барчанинг она табиатдан ўтинчи шу бўларди. Республика Президенти Маданият қишлоғида М. Бектошевлар хонадонида бўлди. У ерда уч хўжалик истиқомат қилади. Бу хонадон уй-жойлари ҳам зилзиладан жиддий шикастланганди. Президент хонадон оила бошлиғи билан суҳбатлашиб, ҳукумат зилзиладан зарар кўрган барча оилаларга, жумладан Бектошевларга ҳам янги уй қуриб беришини, иқтисодий ёрдам кўрсатилишини таъкидлади. Кишиларнинг омон қолганлиги — катта бахт. Етказилган зарар миқёслари чуқур ўрганилиб, зилзила содир бўлган қишлоқ ўрнида газлаштирилган, ичимлик суви билан таъминланган замонавий қўрғон барпо этилади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, қаерда касалхона, боғчалар зарарланган бўлса, биринчи навбатда ўша жойларни тартибга келтириб, қариялар, ногиронларни эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим. Халқ билан бирга бўлиб, улар дардини ўзимизнинг дардимиз деб билиб, бутун кучимизни сарфлашимиз керак. Андижон вилояти ҳам барча чораларни кўради. Бахтимиз шуки, бу ерда одамлар нобуд бўлмаган, деди Президент.

Маданият қишлоғи —Қирғизистоннинг Наукат райони билан чегарадош. Республика Президентининг бу ерга ташрифини эшитиб, қирғизистонлик миллатдошларимиз ҳам ҳозир бўлишди.

Шундан сўнг Президент Қўрғонтепа районидаги «Савай» давлат хўжалигига йўл олиб, сув тошқинидан зарар кўрган бўлимларда ва хонадонларда бўлди.

Зилзила қўшни Избоскан районида ҳам из қолдирган эди. Президент шу райондаги Луғумбек қишлоғидаги Ҳошимжон Раззоқов номли мактабда бўлди. Йиғилган маҳаллий раҳбарлар билан қисқача суҳбат бўлди.

Шу куни И. А. Каримов Андижон вилоят фаоллари йиғилишида нутқ сўзлади. Йиғилишда Президентга ҳамроҳлик қилаётган республика Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари М. Қорабоев ва Андижон вилоят ҳокими Қ. Х. Холмирзаев ҳам иштирок этдилар. Йиғилишда табиий офат ва зилзила оқибатларини бартараф этиш масаласи кенг муҳокама қилинди, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
Д. ҚИРҒИЗБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши матбуот маркази хабар қилади

АДИБЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

19 май куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида ушбу партия раҳбариятининг республикамизнинг таниқли ёзувчи ва шоирлари, журналистлари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов очди ва ижодкорларга партиянинг шу бугунги фаолияти, дастурий мақсад ва вазифалари ҳақида қисқача ахборот берди. У ушбу мулоқотдан мақсад мустақилликка эришган республикамиз халқини, ҳар бир фуқарони тўлқинлантираётган ҳаётий муҳим муаммолар тўғрисида республика қалам аҳлининг фикр-мулоҳазаларини, нуқтаи назарларини билиш, улар билан маслаҳатлашиш, шунингдек адиб ва шоирларнинг ижодий режалари билан танишиш эканлигини айтди.

Сўнгра ёзувчи ва шоирлардан Жамол Қамол, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Саид Аҳмад, Иброҳим Раҳим, Ойдин Хожиева, Аҳмаджон Мелибоев, Одил Ёқубов, Рамз Бобожон, Мирза Карим, Нормурод Нарзуллаев, Ўткир Ҳошимов, Мирпўлат Мирзаев, Расул Раҳмоновлар сўзга чиқиб, мустақиллик йўлига кирган республикамиздаги бугунги маънавий-сиёсий, иқтисодий аҳвол, турмушимиздаги долзарб муаммолар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирдилар, яқин келгусидаги ижодий режалари ҳақида гапирдилар.

Улар Республика Президентининг тутган йўлини тўла қўллаб-қувватлашларини алоҳида таъкидладилар.

Мулоқотда ҳурликка эришган, ойдин йўлга чиқиб олаётган Ўзбекистоннинг бундан буёнги миллий маънавий ҳаётини шакллантиришда, республикамизнинг мустақиллигини мустаҳкамлашда, бозор муносабатларига ўтиш, иқтисодий танглик шароитида кўп қийинчиликларни бошдан кечираётган халқимиз турмушини енгиллаштиришда ёзувчининг, ҳар бир ижодкор фуқаронинг роли ҳақида қизиқарли фикр-мулоҳаза ва таклифлар айтилди. Жумладан, адиблар ва санъаткорларнинг жойларда меҳнаткашлар билан учрашувларини ўтказиб туришдек жуда оддий, хайрли бир анъанани тиклаш ҳақидаги фикр қўллаб-қувватланди. Зеро, ижодкорнинг теран фикри, ижодий, ижтимоий-сиёсий фаолияти барча замонларда халқ турмушида ҳам, давлат ва сиёсий партиялар ҳаётида ҳам муҳим аҳамиятга молик бўлган.

Партия Марказий Кенгашида қалам аҳли билан ўзаро мулоқотларни ўтказиб туришга анъана тусини бериш маъқулланди.

(Учрашув ҳақидаги ҳисобот рўзномада эълон қилинади).

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА ҚАБУЛ

18 май куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши котиби А. Х. Сандов «Век» фирмаси президенти, Греция Компартияси Марказий Қўмитаси аъзоси Я. Мавроматисни унинг илтимосига кўра қабул қилди.

Суҳбат дўстона ва амалий вазиятда ўтди. Ҳар иккала партия вакиллари ҳозирги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳвол ҳақидаги фикрларини ўртоқлашдилар ўз партияларининг фаолияти ҳақида бир-бирларига ахборот бердилар. Ўзаро ахборот алмашиб туришга, ҳар икки томон учун фойдали ҳамкорликни йўлга қўйишга интилиш, истак билдирилди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Парламент фаолияти ва партиялараро алоқалар бўлими мудири Ш. И. Шоисломов қатнашди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

«САМСУНГ» НАМОЙИШ ЭТАДИ



Икки кун мобайнида Ўзбекистон республикасининг бош кўргазмасининг «Пахтачилик» павильонида замонавий электрон-маиший техника буюмлари намойиш этилди. Бу ерда Жанубий Корея республикасининг «Самсунг» фирмаси ўзининг ранг-баранг нафис буюмларини Ўзбекистон ишбилармонларининг диққатига ҳавола этди. Кўргазма Москвадаги «Ортекс» савдо-молия компанияси ёрдамида уюштирилган. Бу кўргазманинг Тошкентда самарали ишлаши учун Ўзбекистон республикаси Ташқи савдо алоқалари вазирлиги қулай шароитлар яратиб берди.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бу кўргазмага ташриф буюрди. Республика раҳбари бу ерда намойишга қўйилган барча буюмларни диққат билан кўздан кечирди, уларнинг тайёрланиш жараёни, хом ашё манбаи ва жаҳон бозорларига чиқарилиши, кореяликлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар қуриш мумкинлиги масалалари билан атрофлича қизиқди ва шу хусусда суҳбатлашди. Президент И. А. Каримов Осиё қитъасининг энг олис мамлакатидан келтирилган халқ истеъмоли молларининг сифати ва уларнинг кўркини муносиб баҳолади. Бундай истеъмол моллари нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиё жумҳуриятлари аҳолисига ҳам ғоятда манзур бўлишини таъкидлади.

Кўргазма буюмлари билан танишув чоғида «Самсунг» фирмасининг ижрочи директори Пак Сун Чонг Жанубий Корея фирмаси корхоналарида замонавий ишлаб чиқариш технологиясининг давр талаблари даражасида йўлга қўйилганлиги ҳақида маълумотлар бериб турди.

Ўзбекистон республикаси Президенти И. А. Каримов танишув чоғида «Самсунг» фирмаси корхоналари Ўзбекистон билан яқиндан амалий ҳамкорлик қилиши ва бу ишларни иложи борича тезлаштирилиши ғоятда фойдали бўлур эди, деб таъкидлади. Танишув ниҳоясида меҳмонларга улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг сиймоси акс этдирилган гиламча ҳадя этилди.

Хорижий кўргазма буюмлари билан танишув чоғида Ўзбекистон республикаси Бош вазири А. М. Муталов, Тошкент шаҳар ҳокими А. И. Фозилбеков, Ўзбекистон республикаси ташқи ишлар вазири У. А. Абдураззоқов ҳозир бўлдилар.

«Самсунг» фирмаси ижрочи директори Пак Сун Чонг биз билан суҳбатда қуйидагиларни изҳор этди:

— Мустақил Ўзбекистон республикасининг Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги республика ҳукуматининг раҳбарлари кўргазмамизга марҳамат этишганлигидан кўп хурсанд бўлдик. Энди сизнинг сеҳрли қўлларингиз корхоналари билан яқиндан ҳамкорлик қилишимиз учун муҳим йўллар очилмоқда. Бизнинг бу сафаримиз биринчи қадамдир. Бундан буён кўп марта кўришамиз.

«Самсунг» фирмаси Жанубий Кореядаги энг йирик саноат ва савдо ташкилотларидан бири. Унинг 30 та корхонаси бор. Биз йилига

50 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқарамиз. Тайёрланган буюмларимизнинг бир қисми ўз мамлакатимиз аҳолиси учун қолдирилади, қолган икки қисми эса жаҳон бозорига чиқарилади. Биз асосан замон модаси ва талабини узлуксиз ўрганиб иш юритамиз. Хом ашё ҳамиша тақчил бўлишига қарамай, биз унинг яратилиш йўлларини ижодий ҳал қиламиз.

Ўзбекистонда бизни яхши кутиб олганликлари ва қулай шароитлар яратилгани учун ташаккур билдираман.

А. ПЎЛАТОВ.

* * *



Суратларда: Ўзбекистон республикаси раҳбарлари кўргазма буюмлари билан танишмоқдалар, иккинчи лавҳада кўргазманинг умумий кўриниши, учинчи лавҳада ижрочи раҳбар Пак Сун Чонг.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

БУ ВАТАН — ҲАММАМИЗНИКИ

Рўзи Назар Ватанига келди. Марғилондаги уйидан қирқинчи йилда чиқиб кетиб, мусофирликда юриб, эллик икки йил деганда яна Ўзбекистонга қайтди.

Бундан бир йилча олдин ҳам Рўзи Назарнинг бу юртга қадам қўйишига монелик бор эди. Бугун Ватан ўзимизники бўлди. Рўзи Назар Ватанга қайтиши учун, аввало, Ватан ўзимизга қайтиши керак эди.

Рўзи Назар Ватанга ёлғиз қайтмади. Ўғли Эркинни ҳам олиб келди. Бизга Эркин исми одатий бўлиб қолган. Хорижда яшаётган ўзбеклар учун бу исмнинг маъноси жуда теран. Рўзи Назар ўғлига берган номга орзусини жо этган.

Рўзи Назарнинг аёли олмон миллатидан. Ундан бир ўғли ва бир қизи бор. Иккиси-да оталарининг тилини ҳурмат қилади. Ўзларининг ўзбек эканликларини тўла англайди ва бундан фахр этади. Бунинг исботи — яқинда Олмонияда чоп этилган «Ўзбек туркий тили алифбоси». Китоб муаллифи — Эркин Назар, Рўзи Назарнинг ўғли. Ота юртига муҳаббат ва ҳурматнинг бундан зўрроқ тимсоли бўлмаса керак.

Рўзи Назарнинг таҳсинга сазовор фазилати — унинг собитлиги. Бу одам муҳаббатида ҳам, нафратида ҳам собит. Замона зайлига қараб, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа оғишмоқ унга ёт. Рўзи Назар шўролар тузумини ёмон кўрарди. Ватанни шўролар тузумидан ҳоли ва буткул озод кўришни орзу этарди.

— Бугун орзуим ушалди, — дейди у. — Эллик икки йил айриликдан кейин Ватанга келдим. Дўстларни, қариндош-уруғларни кўрдим. Эрта-ннидин Марғилонга бораман, қолган ҳеш-ахробонинг дийдорига етаман.

Рўзи Назарни энг хушнуд этган нарса — мафкурабозликнинг йўқолгани. Эски шалдироқ мафкурабозлик, уйдирмаю чўпчаклар йўқолиб, асл муқаддас ақида — Ватан ақидаси пайдо бўлди. Ватан фарзандлари бир-бирларини топа бошладилар. Хорижда неча ўн минглаб сарсари юрган ватандошларимизнинг оталар юртига қайтиб, унинг тупроғини нақадар эҳтиром билан тавоф этганларини кўриб, бу азиз Ватанга меҳримиз ортади, унинг ниҳоят озод эканига шукроналар айтамиз.

Бу Ватан — ҳаммамизники, унинг увол-савобига барчамиз бирдай шерикмиз.

Бугун Ватан миллатнинг жипслигига зор. Бу нарсани очиқ тан олиш керак, хорижда яшаётган ватандошларимиз биздан-да яхшироқ англайдилар. Биз ўзимиз, Ватанда истиқомат қилаётган ватандошлар ҳам, худога шукур, секин-аста англаб бормоқдамиз.

Рўзи Назар ҳозир Вашингтон яқинидаги Арлингтон деган шаҳарчада истиқомат қилади. Энди унинг ёши анча ўтиб қолди. Аммо қонидаги ғайрат ва шижоати сусайгани йўқ. Кичкина бир маслаҳат бюроси очиб баҳоли қудрат ишлаяпти. Нияти — хорижда Ўзбекистон ҳақида маъқул тасаввур уйғотиш, ўзбекларнинг тарихи ва маданиятини кенгроқ ташвиқ этиш, Ватандан у тарафларга борган кишиларга баҳоли қудрат марҳамат кўрсатиб, ишларига кўмак бериш.

Рўзи Назар куни кеча Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов қароргоҳини зиёрат этди. Президент билан суҳбатлашди. Ватанимиз келажаги учун қўлдан келганича хизмат қилиш истагини билдирди. Президент бу истакдан мамнун эканини айтди.

Насриддин ХУЖАЕВ,
Ўза мухбири.

Суратда: Ўзбекистон Президенти И. Каримов Рўзи Назар ва ўғли Эркин билан мулоқотда.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг қарори

БАНДИХОН РАЙОНИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати **қарор қилади:**

1. Сурхондарё вилояти ҳокимининг таклифи ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг хулосасига розилик билдириб, Сурхондарё вилоятида маъмурий марказ Бандихон аҳоли пунктида бўлган **Бандихон** райони тузилсин.

Бандихон райони таркибига Бойсун районининг Ғаллакор, Қумқўрғон районининг Қизириқ қишлоқлари ва шунингдек Ленинйўли районидаги Олмазор қишлоғи ҳудудининг «Тошкент» давлат хўжалиги фойдаланиб келаётган ерлардан иборат қисми берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Бойсун, Қумқўрғон ва Ленинйўли район советларининг Бандихон районига берилган ҳудудларда жойлашган сайлов округларидан сайланган депутатлари халқ депутатлари Бандихон район Советининг депутатлари ҳисобланадилар.

3. Халқ депутатлари Бандихон район Совети янги тузилган Бандихон районда давлат ҳокимиятининг мухтор вакиллик идораси деб ҳисоблансин.

4. Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент шаҳри,
1992 йил 18 май.

ТАБИАТНИНГ ЯНА БИР ЖИДДИЙ СИНОВИ

Самарқанд аҳли ўтган ҳафта охирида яна табиат синовига дуч келди. Вилоятнинг Каттақўрғон, Булунғур ва Қўшработ районларида кучли момақалдироқ бўлиб жала қўйди, дўл ёғди. Об-ҳавонинг бу ноҳушлиги, афсуски, жуда қимматга тушди. Ҳатто одамлар нобуд бўлди. Каттақўрғон районидаги «Мойбулоқ» давлат хўжалигида яшовчи Мустафо Тоштемиров ва унинг қизлари Адолат ҳамда Гулзодани сув балоси ўз домига тортди.

Тоғли районлар ва сойлардан оқиб келган кучли сел қишлоқ хўжалик экинлари, чорва молларига зарар етказди. Талайгина бинолар, иншоотлар, кўприк ва йўллар вайрон бўлди. Мактаблар, дала шийпонлари ва чўпон уйлари, молхона ва қўтонлар, тиббиёт, маданият муассасалари, алоқа линиялари ҳамда бошқа иншоотларга шикаст етди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, 1863 гектар маккажўхори, 3 минг гектар токзор, 6 минг гектар бошоқли экинлар, 16 гектар боғ-роғлар ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари катта зарар кўрган. 25 минг гектардан зиёд майдонда чигит қайта экилиши керак. Кўрилган умумий зарар 200 миллион сўмдан кўпроқ деб тахмин қилинмоқда.

Вилоятда табиий офат оқибатларини тугатиш юзасидан барча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Х. ШУКУРОВ,
Ўза мухбири.

• МУШТАРИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ •

ХАЛҚ ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПИБ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ НАЗОРАТИ ҚЎМИТАСИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИНИНГ БОШЛИҒИ, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕПУТАТИ БЕГИЖОН РАҲМОНОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Бегижон ака, бундан тўққиз йил муқаддам жамоа хўжалиги бошқарувида раис эдингиз. Ўшанда муаллимдан чиққан раис қандай бўларкин, деган гап бўлганди. Айримлар пулни сарф қилишни билмайдиган раҳбар, дейишарди...

— Жамоа хўжалигининг чорвачилик фермасида санаторий ташкил этганимизни эслатяпсизда. Ҳақиқатни айтиш керак. Ўша кезларда чорвадорнинг шароити оғир, кун бўйи мол-қўй орасида юриб, тузукроқ ювина олмасдилар ҳам. Арз қилайин деса уларнинг додини ким эшитарди. Оқибатда иш унуми йўқ, чорвачиликнинг зарардан боши чиқмасди. Болалигим қишлоқда ўтган. Ҳали ҳануз дала айланмасам, чорванинг ҳолидан хабар олмасам хумори тутади. Шу боис ўшанда чорвада ювиниб-тараниш, даволаниш учун санаторий қурдик. Кимдир ажабланди, бошқа бировга ёқиқирамади. Аммо чорвадорларнинг қувонганини кўрсангиз. Орадан кўп ўтмай 16 квартирали 2 та турар-жой биносини тикладик. Ёш келин-куёвлар қўлига уйнинг калитини бердик, хоналарни мебеллар билан безатишни ҳам ўзимиз бажариб бердик. Тўғри, маблағ сарфладик. Лекин ўша олинган нарсаларнинг олингани қолди. Ахир қишлоқ аҳлининг ҳаммаси ҳам ўз уйини замонавий жиҳозлар билан безатишга қунт қилишмайди.

— Пахтакор учун дам олиш кунининг ўзи йўқ. Эртаю-кеч экинга қарайди. Лекин унинг ҳам бозор-ўчар қилгиси, бирор кун ҳордиқ чиқаргиси келади...

— Юракдаги гапни айтдингиз. 1989 йили Балиқчи район партия қўмитасига саркотиб бўлиб ўтгач кўнглимдаги ниятни амалга оширдим. Ахир районда биринчи шахс, ҳар ҳолда сўзим ерда қолмасди. Шунинг учун якшанбани дам олиш куни, аёллар учун шанба ҳам қисқартирилган иш куни деб эълон қилдик. Шубҳасиз ўша пайтларда Москвадагиларнинг тили ўткир, қўлида қамчи ўйнаган кезлар эди. Лекин ортга қайтмадик. Шуниси қизиқки, ҳеч кимнинг дам олгиси йўқ, кўпчилик далага йўл олаверишди. Кейин билсак раҳбарларимиз ҳаммадан бурун иш жойига етиб келишаркан. Оддий меҳнаткаш нима қилсин, ишсиз қолишидан, дашном эшитишдан қўрқади-да. Раҳбарларни йиғдик. Бўйин товлаганларни огоҳлантирдик. Ҳаммаси йўлга тушди. Йил охирида ер чизиб қолмадик. Пахта тайёрлаш режасини илғорлардан бўлиб бажардик. Кейинги йилларда ҳам пешқадамлар safида бўлинди. Айтмоқчиманки, эзгулик йўлида дангалчилик ҳам керак.

— Избоскан районида ижроқўм раиси бўлиб ишлаган чоғингизда катта йўлнинг ўртасига қатор қилиб кўчат экиб, чим бостиргандингиз. Балиқчига ишга ўтганингизда сиз билан бирга ишлаганларнинг ўзи йўлни текислатиб ташлашди. Қалбингизда оғриқ турмадими!

— Мен ана шундай ҳолни нодонлик деб баҳолаган бўлардим. Ахир бунёд этилган нарса халқнинг ҳамёнидан тикланган. Ёдимга бир воқеа тушди. Бир неча йил аввал Комсомолобод районида биринчи котиб бўлиб Таваккал Топиволдиев ишлаганди. У бир гектарга яқин майдонда иссиқхона тиклади. Сўнгги йиллар ниҳоясига етай деганда вазифасини ўзгартирди. У кетгач иншоот хароба ҳолига келди.

Ахир халқни бойитаман, тўйдираман деган шахс бундай йўл тутмайди-да. Энг аввало меҳнаткашлар маблағини ўйлаш керак. Яхшики, ҳозирги ҳоким Сайфиддин ака Қодиров диёнатли одам. У иссиқхона қурилишини поёнига етказишга бел боғлади. Айтмоқчиманки, бу ёғи Избоскандагиларга ҳавола. Қолаверса, Балиқчида ҳам 3 километр йўлни ана шундай тарзда шакллантирдик. Гап шундаки, дарахт, майсалар керак. Энг аввало у атрофмуҳитни яхшилайди. Озгина бўлса ҳам ҳавони тозалайди. Муҳитга ғўзаллик бағишлайди. Ва яна инсофли ҳайдовчи яшнаб турган жойни босиб, йўл қоидасини бузмайди. Ахир ривожланган мамлакатларда ана шундай. Дарахт экиб, атрофни яшнатсак бу бизнинг ютуғимиз.

— Урни келганда «Бахт» бекатлари хусусида сўзлаб берсангиз.

— Қишлоқлардаги автобус бекатларига разм солганмисиз. Кўпи талабга жавоб бермайди. Баъзилари номигагина қурилган холос. Янгисини қуриш учун маблағ қаерда. Асбоб-ускуна, жиҳозлари-чи? Бирини топсангиз, иккинчиси йўқ. Сих хам, кабоб ҳам куймайдиган йўлини топиш керак эди. Райондаги ширкат раҳбарларини йиғдик. Улар 14 нафар, ҳар ҳолда қўли ҳам калта эмас. Масаланинг иккинчи томони — бекатларни ширкатчиларга хусусий қилиб берсак биз ютқазмасдик. Улар таклифимизга бажонидил рози бўлишди. Елиб-югуриб, бири-бирига ўхшамайдиган бекатларни тикладилар. Улар шу қадар чиройлики... Қолаверса энди ифлос ҳам бўлмайди, буюмлар синмайди. Савдо шаҳобчалари ҳам, ёзда салқинлаш, бир пиёла чой ичгани чойхоналар ҳам бор. Хуллас бекат хусусий бўлгач, қаров ҳам шунга яраша бўлади.

— Раҳбарликнинг тоши оғир. Гоҳида гапингиз амалга ошавермайди. Ортга чекинишдан чўчимайсизми!

— Менимча ҳозирги шароитда энг оғир вазифа бошқарув иши. Лекин қалондимоғлик кетмайди. Тўғри, бугунги айтган гапингиз эртага тўғри келмай ҳам қоляпти. Аммо нима бўлганда ҳам субутни бой бермаслик лозим. Субутсизлик нопокликни, ялтоқланишни, ўзгалар қаршисида хушомадгўйликни келтириб чиқаради. Ана шундай йўлга кириб қолишдан худо асрасин.

— Айтишларича сизни чойхонада ҳам, бева-бечораларнинг уйларида ҳам бир пиёла чой устида кўп учратишаркан.

— Гоҳида ҳайрон қоламан. Айрим раҳбарлар чойхонага яқин йўлашмайди. Бу ерда ҳам фикрлар шакилланадиган жамоатчилик жойи-ку. Лозим бўлса чойхонага ҳам бориш керак. Раҳбарнинг қадами етса атроф йиғиштирилади. Сал хушёрлик бўлади. Лекин бу чойхонани доимий жой қилиб олиш дегани эмас. Халқнинг орасига киришдан чўчмаслигимиз керакда. Бева-бечораларнинг ҳолидан хабар олиш эса ҳам фарз, ҳам қарз.

Вилоятимиз ҳокими Қаюмжон Ҳолмирзаев ўтган йили савоб ишни бошлаб берди. Шароити оғир оилаларга ўзига бемалол саховатли кишиларни биркитиб қўйди. Ҳозир уларнинг емакичмагидан, аҳволидан хабар олиб турибмиз.

— Сизнинг ўзингиз-чи!

— Жаҳонгир ҳамда Нигора исмли йигит-қизни тарбиялаяпман. Жаҳонгирни яқин орада уйлантириш ниятим бор.

— Тўнғич ўғлингиз ҳам катта бўлиб қолди, чоғи!

— Аввал Жаҳонгирнинг бошини қовуштирайлик. Кейин бир гап бўлар.

— Фарғона водийсида ўғил уйлашдан олдин ота-она турар жой ғамига тушиб қолади. Сабаби томорқа масаласи муаммо. Суғориладиган ерлар ҳисобли-да. Берилаётган 5—6 сотих ер эса талабларни қониқтирмаяпти!

— Биз ер олувчига 12 сотихдан ажратгандик. Лекин амалимдан фойдаланиб 15 сотихдан тақсимламаганимга ачинаман. Ахир 4—5 сотих жойга уй қуриладими, экин экиладими... Бироз ўйлаш ҳам керак чоғи?

— Бегижон ака, сиз ҳам раҳбар, ҳам депутатсиз. Тўғриси, ташвишларингиз оз эмас, депутатлик қийнамаяптими!

— Мен бошқачароқ фикрлаган бўлардим. Ҳозир-ку, районнинг ҳокими эмасман. Лекин биринчи шахс учун депутатлик зарур эмас экан. Яхшиси мен уни бошқа бир раҳбарга раво кўрган бўлардим. Сабаби район учун нимадир ундирган ёки уддалаётган бўлардимда.

— Ҳозир Ўзбекистон жаҳонга юз тутаяпти, умид-иштакларингиз!

— Мустақиллик шабадаси энди кўксимизга тегди. Ўзлигимизни танидик. Эминэркин нафас оляпмиз. Оллоҳга минг бора шукурлар қилишимиз керакки, Ислом Абдуғаниевичдек Президентга ёлчидик. Бир ёқадан бош чиқармасак бўлмайди. Менинг Туркияга бориб қайтган нуфузли дўстим Муҳаммаджон Қорабоев хонадонида кўнглимга маъқул ёзувга кўзим тушди. Унинг альбомига Туркия вазири Топчи қайд этган сўзлар қалбимга муҳрланиб қолди: «Ҳар бир халқнинг 100 йилда бир туғиладиган фарзанди бўлади. Бу — Туркияда Отатурк. Қардошларимиздан, Сиз ўзбекларда у — Ислом Каримов. Уни эҳтиёт қилинглар. Табаррук зотнинг ортидан бориб қўллаб-қувватланглар. Шундай йўл тутсангиз Сизнинг давлатингиз дунёдаги олдинги ўринга чиқади. Саодатли кунлар юз тутади». Менимча бундай баҳодан кейин ҳар қандай сўз ортиқчалик қилади. Демоқчиманки, Президентимиз нуфузини сақлаш ҳаммамизнинг бурчимиз. Ўринсиз эҳтиролардан ўзимизни сақлайлик.

— Сайловчиларингиз топшириғини қандай бажаряпсиз!

— Ҳаракат қиляпман. Асосий топшириқ аҳолини ичимлик сув ҳамда табиий газ билан таъминлаш эди. Шубҳасиз унинг бажарилиши учун баҳоли қудрат курашяпмиз. Лекин асосий масала бошқа ёқда. Балиқчида темир йўл муаммоси бор. Четдан келадиган юкни Асака ёки Норин районидан олишимиз лозим. Кўмир олиб келсак ҳам, бошқа бирор нарса туширсак ҳам 40—50 километр олис масофадаги станцияда кўп нарсани бой берамиз. Ёқилғи, ишчи кучи... Хуллас, зарардан бошимиз чиқмайди. Маҳсулот юборишни-ку, қўяверинг. Турган-битгани азоб. Районга темир йўл олиб келинмаса бўлмайди. Иккинчи масала—Олтинкўл билан Балиқчининг Сиза қишлоғи оралиғи Қорадарёга кўприк қурилса, бор-йўғи 3 километр масофа. Ҳозир эса 50 километр йўлни айланиб келишга мажбурмиз. Бу ёғига ўзингиз хулоса чиқараверинг.

— Раҳбарлик тоғи оғир. Айни чоғда завқи ҳам бор. Амалдан айрилиб қолишдан чўчимайсизми!

— Асло. Ўтган йиллар ичида шу қадар кўп савдоларни кўрдик-ки, бор-е, деб ҳаммасидан воз кечиб юборгим келади-ю, яна бошқа томонларни ўйлайсан киши. Майдонга тушдингми ҳаммасига чидашга мажбур экансан. Гоҳида ўйлаб қоламан. Эҳтимол мен лавозимимдан кетсам, ўрнимга бошқа биров келар. Ахир инсон раҳбар бўлиб туғилмаган-ку. Тасаввуримда раҳбарлик лавозими худди тулпордай. Унинг жилови ҳақиқий чавандоз қўлида бўлиши керак.

Сайлов арафасида ишдан бўшашга ариза ёздим. Тинчгина, ташвишлардан ҳоли бўлиб ўз районим Избосканга, туғилган қишлоғим Янгиқишлоққа бориб деҳқон хўжалигини ташкил этишни режалаштирдим. Ахир, асаблар қачонгача дош бериши мумкин? Аммо одамлар қўйишмади. Район ҳокимлигига ишонч билдирдилар.

— Фарзандларингиз раҳбар бўлишини истармидингиз!

— Уч ўғлим, икки қизим бор. Уларга тилагим — ўз ишининг мутахассиси бўлишсин. Элнинг оғирига ярашсин. Гап раҳбарликда эмас, инсонликда.

— Давр ўзгарди, одамлар ҳам. Янги иш услубининг моҳияти нимадан иборат!

— Данғал айтиш керак. Қонун ҳамма учун бир хил. Корхона, ташкилот, жамоа ва давлат хўжаликлари, ширкатлар, хуллас, ҳар қандай меҳнат жамоаси учун амалдаги қонунлар дахлдор. Уни оғишмай бажаришлари шарт. Мақсадимиз бировни жазолаш эмас, тўғри йўлга солиш. Билмаганини ўргатиш.

— Бозор иқтисоди сиёсати деяпмизу, текширувчилар сони ўзгармаяпти. Янги қўмита аввалги халқ назорати қўмитасининг бир қўриниши бўлиб қолмадими!

— Йўқ. Янги тузилма юқорида таъкидлаганимдек бутунлай бошқа услубда иш олиб боради. Корхона ва ташкилотларнинг турли назоратчилар томонидан асоссиз текширувлари, тафтиш қилишларига йўл қўймаймиз. Демак назоратчи органлар бизнинг иштирокимизсиз текшира олмайдилар.

— Яширишнинг ҳожати йўқ. Аввалги халқ назоратчилари бирмунча обрўни бой бериб қўйган эдилар. Кадрлар масаласи қандай ҳал этилади!

— Деярли янгиланади. Чунки олдиндаги вазифа масъулиятли. Шунинг учун мутахассисларни ишга олишда асосан ҳуқуқшунос ва иқтисодчиларни танлашга эътиборни қаратяпмиз. Қолаверса, уларнинг кўпчилик орасидаги мавқеи, тутган ўрни, обрўсига ҳам эътибор беряпмиз.

Районларга йўриқчи ва иш юритувчи, шаҳарларга эса учтадан лавозим беришди. Улар ҳам тўғридан-тўғри республика қўмитасига бўйсунади.

Мақсадимиз, ниятимиз холис. Ҳаётда ҳалоллик, одиллик қарор топсин. Ҳақиқатни айтишдан, тўғрилик учун курашишдан сира қайтмайлик. Ахир ҳалолликка не етсин.

Суҳбатдош

Ф. ШОДМОНАЛИЕВ.

ХДП: САВОЛ ВА ЖАВОБЛАР

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва рўзномамиз таҳририятига жойлардан ХДП ташкилий-низомий масалалари ҳақида кўпдан-кўп саволлар тушмоқда. Қуйида ана шу саволларнинг айримларига жавоб берамиз.

1. Бошланғич ташкилотларда партия йиғилишлари ва ижроия бюро мажлисларини ўтказишнинг даврийлиги қандай!

ХДП Низомига мувофиқ бошланғич ташкилотларда партия йиғилишлари заруратга қараб, аммо камида йилнинг ҳар чорагида бир марта ўтказилади. Умумий йиғилишни ўтказишнинг иложи бўлмаса, (хонанинг йўқлиги, сменали иш ёки бошқа сабабларга кўра) цех ташкилотлари ёки партия гуруҳларида кун тартибига ягона масала киритган ҳолда конференция ёки йиғилишлар ўтказилиши мумкин. Низомда ижроия бюро мажлисини ўтказиш даврийлиги белгиланмаган, шу боис ижроия бюро аъзоларининг ўзлари қандай муддатларда қанча мажлис ўтказишни ҳал этадилар.

2. Аъзолар сони кам бўлган партия ташкилотларида ҳар йили ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш мажбурийми!

Партия Низомида ижроия бюро ёҳуд котиб ва унинг ўринбосари қанча муддатга сайланиши белгиланган. Бу муддат — икки ёки уч йилдир. Демак, ҳисобот-сайлов йиғилиши ҳам ташкилотдаги аъзолар сонидан қатъи назар 2 — 3 йил муддатда ўтказилиши лозим.

3. Партия — касаба уюшмаси ёки партия—ёшлар иттифоқи ташкилоти йиғилишларини ўтказиш мумкинми!

Низомда ёзиб қўйилганидек, Ўзбекистон ХДП Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида ҳаракатда бўлган жамоат кучлари билан ҳамкорлик қилади. У касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ўз муносабатларини сиёсий ҳамкорлик ва шериклик асосига қуради... Низомнинг мазкур қоидасини ҳисобга олиб, партия ташкилотлари касаба уюшмалари ва ёшлар иттифоқи ташкилотлари билан қўшма йиғилишларда ҳамкорлик шакллари, ноибликка номзодларни кўрсатиш ёки уларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ, шунингдек бирликда иш олиб боришни тақозо этувчи бошқа масалаларни кўриб чиқишлари мумкин.

4. Цех партия ташкилотига бошланғич партия ташкилоти ҳуқуқи берилиши нимани англатади!

Ўзбекистон ХДП Низомининг 19-моддасига мувофиқ бошланғич партия ташкилоти йиғилиши қарори билан цех партия ташкилотлари ёки партия гуруҳларига партияга аъзолик билан боғлиқ бўлган масалаларда бошланғич партия ташкилоти ҳуқуқи берилиши мумкин. Демак, мазкур ташкилотлар партияга қабул, аъзоликни тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва Ўзбекистон ХДП safларидан чиқариш масалаларини мустақил тарзда ҳал этишлари мумкин.

5. Бошланғич ташкилот ҳуқуқига эга бўлиш учун цех партия ташкилотлари safи қандай бўлиши керак!

Низомда цех партия ташкилоти ёки партия гуруҳи safида шунча аъзо бўлганда, унга бошланғич ташкилот ҳуқуқи берилади деган гап йўқ. Бироқ бошланғич ташкилотларнинг ўзи камида 5 нафар партия аъзоси бўлган тақдирда тузилиши ҳисобга олинганда, цех партия ташкилотлари ва партия гуруҳлари ХДП аъзолари беш ва ундан ортиқ киши бўлган ҳолда тузилиши мақсадга мувофиқдир. Бу ташкилотларга партияга аъзолик билан боғлиқ масалаларда бошланғич ташкилотлар ҳуқуқлари берилиши мумкин.

6. Агар Ўзбекистон ХДПга кириши истаган киши ишлаётган корхона ёки муассасада, истиқомат жойида партия ташкилоти бўлмаса у ҳолда, партияга қабул масаласи ким томонидан кўрилади ва ҳал этилади!

Агар партияга кирмоқчи бўлган кишининг яшаш ва иш жойида партия ташкилоти бўлмаса, у ҳолда Ўзбекистон ХДП район, шаҳар кенгаши таклифига кўра унинг аризаси бирор бошланғич партия тащкилоти томонидан кўриб чиқилиши мумкин. Аммо партияга кирувчини у Ўзбекистон ХДПга аъзо бўлгандан сўнг партия ҳисобида турадиган ташкилот аъзолари яхши билишлари керак.

7. Партияга аъзо бўлаётганда аризадан ташқари бошқа яна қандай ҳужжатларни тўлдириш ва топшириш керак бўлади!

Партияга кирувчи киши белгиланган шаклдаги биргина анкета — аризани тўлдириди ва бошланғич ташкилот ёки унинг ҳуқуқларига эга бўлган ташкилотга беради.

8. Партия аъзосига қандай партиявий чоралар кўрилиши мумкин!

Низомда партия аъзоларига чоралар кўрилиш кўзда тутилмаган. Партиявий интизомни ва ижтимоий аҳлоқ нормаларини бузган партия аъзосига нисбатан жамоада муҳокама қилиш ва ўртоқларча танқид тарзида партиявий тарбия чоралари кўрилиши мумкин.

☆ ҲАРАКАТДА — БАРАКАТ ☆

КИЧИК КОРХОНА МАДАДИ

● Ҳозирги раҳбар ишбилармон, ҳисоб-китобли бўлиши зарур. Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги машиналари моддий-техника таъминоти ва таъмирлаш — «Сельхозснабремонт» бошқармасининг Р. Алмакаев бошлиқ корхонаси маъмурияти ходимларни ижтимоий ҳимоялашнинг турли шаклларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

Корхона асосан қишлоқ хўжалиги машиналари, техникалари, автомобиль ва трактор эҳтиёт қисмларини етказиб беради. Корхона жамоаси ўтган йилги ва шу йилнинг биринчи чораги режаларини ошириб адо этди. Корхона иқтисодий аҳволини ўнглаш, ишчилар, муҳандис-техникларнинг ижтимоий турмушини яхшилаш мақсадида қатор тадбирлар кўрилди. Корхонада автомобилларни таъмирлайдиган, темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарадиган цехлар икки йилдан бери ишлаб турибди.

М. Бекимбетов, К. Тоғаев раҳбарлик қилаётган бу цехларда катта эҳтиёж сезилаётган маҳсулотлар тайёрланмоқда. Автомобиль цехида енгил автомашиналар таъмирланади. Темир-бетон буюмлари цехида эса корхона ва ҳовлилар атрофини ўрайдиган плиталар, пойдеворлар учун блоклар, томларга бостириладиган плиталар ишлаб чиқарилади. Кейинги пайтда бундай буюмларга аҳолидан буюртмалар ҳам қабул қилина бошлади. Ўтган йили ана шу кичик корхоналар ҳисобидан 23 минг сўм соф фойда олинди. Шу йилнинг биринчи чорагида эса салкам 30 минг сўм соф фойда кўрилди.

— Булар ишчи-хизматчилар, мутахассисларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш юзасидан қилинаётган дастлабки ишлардир,— дейди корхона раҳбари Р. Алмакаев. — Биз бу ишларимиздан ҳали тўла қаноатланаётганимиз йўқ. Корхонамизда маблағ ишлаб топиш имкониятларидан кенг фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз. Ишчиларимиз ҳозир ойига 900—1000 сўмдан иш ҳақи олишмоқда. Лекин ҳозирги шароитда бу кам. Ойлик иш ҳақини яна ҳам ошириш имкониятига эгамиз.

Бунинг учун яроқсиз ҳолга келиб қолган, ишдан чиққан эҳтиёт қисмларни қайта тиклайдиган цехлар қуриб, ишга тушириш ҳаракатидамиз. Шу ҳисобдан бу йил салкам 500 минг сўм соф фойда олиш ниятидамиз.

Ҳа, ҳаракатда-баракат деганлари рост. Имкониятлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш корхона ишчи-мутахассислари турмуш шароитларини яхшилаб боришга шарт-шароитлар ярата бошлади. Бу ерда маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ишга тушди. Душхона, ҳаммом, 50 ўринлик ошхона хизмат кўрсата бошлади.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КЕНГАШЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС

Фарғонада 35 кишидан иборат вилоят уламолар кенгаши тузилди. Бундан буён янги масжидлар қуриш, мадрасалар очиш, масжидларга имомларни тайинлаш ва жойлардаги бошқа шунга ўхшаш масалаларни шу кенгаш ҳал этади.

Вилоят ҳокими Ғ. Фозилов кенгаш аъзолари билан учрашди. Учрашувда, жумладан, масжидлар қуриш учун ер ажратиш масалалари шаҳар ёки район бош меъморлари билан келишилган ҳолда амалга оширилиши тўғрисида маслаҳатлашиб олинди. Вилоятда ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, аҳоли осойишталигини сақлашда уламолар кенгаши маҳаллий ҳокимият идоралари билан яқин алоқада иш олиб боради.

Р. КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

ТОШКЕНТ УЧРАШУВИ ҲАҚИДА

● АҚШ давлат дипартаментининг вакили Маргарет Татуайлер олий даражада Тошкентда ўтказилган учрашувни шарҳлади.

Вакил АҚШ Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибига кирувчи мамлакатлар ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик давом эттирилишини ёқлайди, деб таъкидлади. Унинг сўзларига қараганда ҳарбий, сиёсий ёки иқтисодий масалалар ҳусусидаги рақобат ва можаролар «ҳеч кимнинг манфаатига мос келмайди» ва бу давлатларнинг «бош мақсад — демократия ва эркин бозор барпо этиш йўлидаги ҳаракатига фақат тўсқинлик қилади.

● Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоев эса АҚШга сафари олдидан Москвада тўхтаб ўтди ва аэропортда журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Қозоғистон президенти Тошкент учрашуви ҳақида ўз фикрини баён этиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аъзо бўлган давлатлар коллектив ҳавфсизлик тўғрисида шартнома тузганликлари «ажралиш учун эмас, балки маърифий бирлашмамиз учун асос бўлиб хизмат қилади» деди. Айни чоғда у ўз армияларини тузган МДҲ мустақил давлатлари қўшинларини бир-бирига қарши қўймайдилар, деб таъкидлади .

АҚШГА ТАШРИФ

● Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев Вашингтонга келди.

АҚШга ташриф чоғида Оқ уйда Ж. Буш билан музокаралар ўтказилади. Қозоғистон Президенти шунингдек АҚШ вазирлар маҳкамаси аъзолари, конгресс раҳбарлари ва савдо-саноат доиралари намояндалари билан мулоқот да бўлади.

Ташриф чоғида Нью-Йорк шаҳрига ҳам бориш кўзда тутилади. Президент бу ерда БМТ Бош котиби Бутрос Гали билан учрашади.

ҲУКУМАТЛАР ҚАРОРИ

● Франция билан Туркия «Тоғли Қорабоғда сулҳ тузилишига эришиш» учун ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилишга қарор бердилар.

Туркия ташқи ишлар вазири Ҳикмат Четин Франция давлат вазири, ташқи ишлар вазири Роланд Дюма билан мулоқотдан сўнг шу гапни айтган.

Маълумки, Ҳикмат Четин яқинда Европа Кенгаши вазирлар комитетининг раиси этиб сайланди. У шу комитет аъзолари билан қитъада тинчликни мустаҳкамлаш йўлида иш олиб бораётир. Туркия вазири Тоғли Қорабоғда барқарор ва доимий тинчликка имкони борича тезроқ эришиш зарурлигини таъкидлади.

ПРЕЗИДЕНТЛАР МУЛОҚОТИ

● Руминия президенти Ион Илиеску Кишиневга келди. Ташриф Молдова Республикаси президенти Мирча Снегурнинг таклифига биноан амалга оширилмоқда.

Иккала мамлакат президентлари ўртасида музокаралар бўлди. Молдова билан Руминия ўртасидаги муносабатлар юзасидан фикрлашиб олинди.

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

● Украина президенти Л. Кравчук Польшада бўлди.

Расмий ташриф чоғида у мамлакат бошлиғи Л. Валенса билан Украина ва Польша ўртасида ҳамкорлик, дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзолади.

ТАШКИЛОТ ДАЪВАТИ

● «Хельсинки Уотч» номли Халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш жамоа ташкилоти матбуот учун ахборот тарқатди.

Ахборотда собиқ Совет Иттифоқи республикаларининг парламентларини фуқаролик тўғрисидаги қонунларни тайёрлаш жараёнини тезлаштиришга даъват этилади.

У ёки бу республика ҳудудида яшаб турган барча миллатларнинг манфаатларини, ҳалқаро ҳуқуқ ҳужжатларининг талабларини эътиборга олиш муҳимлиги алоҳида уқтирилади.

БИРИНЧИ САФАР

● Сан-Франциско — Анкорич (Аляска) — Москва маршрути бўйлаб Аэрофлот самолёти илк бор уча бошлади.

Бу қўшма Штатларнинг Ғарбий соҳилини Россия пойтахти билан туташтирувчи биринчи тўғри йўлдир. Шу пайтгача аэрофлот самолётлари фақат Хабаровсккача учар эди. Ҳаво қатнови ҳафтада бир марта — жума куни бўлади.

ТАБИИЙ ОФАТЛАР

● Бангладешнинг Шимоли-шарқий районларида кучли бўрон бўлди.

Маълумотларга қараганда шамолнинг тезлиги 90 километрга етди. Офат вақтида 12 киши ҳалок бўлди, 200 дан ортиқ киши жароҳатланди.

● Филиппинда Рихтер жадвали бўйича 6,1 балл куч билан ер қимирлаганлиги қайд этилди.

Зилзила маркази Минданоф оролининг аҳоли зич жойлашган районида бўлиб, Давао портига яқиндир. Аҳоли уйдан шошилиб чиқиб, шаҳар кўчаларини тўлдирди. Вайронагарчиликлар ҳақида тўла маълумотлар йўқ.

(Жаҳон агентликларининг хабарлари асосида тайёрланди).

АФҒОНИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАР

Жаҳон матбуотида босилган хабарларга қараганда, Афғонистонда ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битимга умуман риоя этилмоқда. Қобулдаги турмуш осойишта йўлга тушмоқда. Аммо мамлакатдаги сиёсий эҳтиролар ҳали пасайгани йўқ.

Қобул яқинидаги Сароби базасида ўрнашиб олган муросасиз Ҳикматёр билан ўтиш даври кенгаши ўртасидаги алоқаларнинг руҳи ва натижалари ҳақида чет эл оммавий ахборот воситаларида жуда зиддиятли маълумотлар эълон қилинмоқда.

Рейтернинг хабар қилишича, Мўжодидди исёнкор Ҳикматёрдан Қобулдаги бошқа мужоҳидларга қарши жанговар ҳаракат бошлаганлиги учун кечирим сўрашни талаб қилди. Шундагина у ҳозирги маъмуриятда қатнашиши мумкин. Баъзи маълумотларга қараганда, Ҳикматёр бу талабни қабул қилган, бошқа маълумотларда айтилишича, бу талабни қатъиян рад этиб, уни ҳақоратомуз талаб деб атаган. У мамлакат раҳбариятидаги ҳозирги ҳокимият тақсимотидан норози бўлиб, яна 14 йилгача фуқаро урушини давом эттириш билан дўқ қилганлиги ҳақида ҳам хабар олинди.

Ҳозир Қобулдаги ҳокимият тепасида турганларнинг ўзаро муносабатлари ҳам унчалик силлиқ эмас. Жумладан, ҳамон БМТнинг Қобулдаги ваколатхонасида яшириниб турган собиқ президент Нажибуллонинг бундан буёнги тақдири хусусида турли фикрлар айтилмоқда. Мўжодиддининг назарида модомики авфи умумий эълон қилинган экан, ҳамма каби собиқ тузум бошлиғининг ҳам гуноҳидан ўтилиши керак. Пешовар аҳдлашувларига мувофиқ яна бир ярим ойдан кейин муваққат ўтиш даври кенгашининг бошлиғи лавозимини эгаллаши лозим бўлган Бурҳониддин Раббоний эса Нажибулло судга берилишини қаттиқ туриб талаб қилмоқда. Авфи умумий ўз йўлига, аммо муайян кишилар борки, улар авф этилмаслиги керак, деб ҳисоблайди у.

РАТА—ТАССнинг хабар қилишича, мамлакат янги раҳбариятининг спиртли ичимликларни тақиқлаш тўғрисидаги фармони асосида маъмурлар Қобулдаги катта «Ариана» меҳмонхонасида спиртли ичимликларни ҳалойиқ ўртасида йўқ қилиб ташлаш тадбирини ўтказди. Баъзи маълумотларда айтилишича, салкам икки миллион афғонилик ичимлик солинган 43 минг шиша синдириб ташланган.

Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлиги.

ИШБИЛАРМОНЛАР

Самарқанд ташқи иқтисодий алоқалар уюшмаси меҳнатчилари Пайариқ районидаги бир неча гектар ерни ижарага олдилар. Бу ерда улар Қизилмия ўсимлиги етиштира бошладилар. Экинзор унча катта эмас, лекин ишбилармонлар ундан фойда ола биладилар. Шифобахш қизилмия илдизи тайёрлашни 50 тоннага етказиш мўлжалланяпти. Хорижий мамлакатларнинг дори тайёрловчи фирмалари билан шартномалар тузилди.

(ЎзА).

БИККС

АРЗОН БАҲО ЭВАЗИГА ЕВРОПАЧА СИФАТ!
"БИККС" АССОЦИАЦИЯСИ БЕЛЬГИЯНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФИРМАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН РАНГ-БАРАНГ ГИЛАМСИМОН ҚОПЛАМАЛАРНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ. УЛГУРЖИ ВА ЧАКАНА САВДО ЙЎЛИ БИЛАН СОТИЛАДИ. КУП МИҚДОРДАГИ ТУРКУМЛАР САВДОСИДА ЕНГИЛЛИК БЕРИЛАДИ.
Манзилимиз: 7000146, Тошкент шаҳри, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-боши берк кўча, "Алина" кичик жорий этиш корхонаси.
Телефонлар: 90-94-85, 91-31-08, 98-64-53, 68-70-35.
109088, Москва шаҳри, Халк Хўжалиги Ютуқлари кўргазмаси, "Союзпечать" дўкони.
Телефонлар: 447-37-20, 283-32-42, 942-23-28, 181-65-30.
"САРБОН" ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

Саид АҲМАД,
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ

БИР СИҚИМ ХАНДОН ПИСТА

ҲИКОЯ

Искамейка узра ўлтирса нечалар роҳат қилиб,
Кавшимиз лойи билан биз устида ётмоғимиз.
ТАВАЛЛО.

ЭРКАКДИР, аёлдир, ёши бир жойга борганда боладан чиқиб қоларкан. Қимизхон билан Усмонжон ҳам худди шунақалардан эди. Уларнинг болалари уйли-жойли бўлиб кетишган. Келинлари билан тил топишолмай рўзғорини бўлак қилиб қўйишган.

Қимизхон ҳар дам олиш куни невараларини қанчалик орзиқиб кутса, кетишларини ҳам шундоқ бесабрлик билан кутарди.

Бола деган у-буга тегмаса, идиш синдирмаса, бола бўладими! Улар шкаф тепасига чиқиб полга сакрашганда жавондаги идиш-товоқлар жаранг-журунг қилиб кетади. Остонага ташлаб қўйилган хўл латтага оёқ суртмай уйга киришади. Кечгача кўчанинг ярим тупроғи уйга киради.

Неваралар эсларини таниб олгунларича ана шунақа эдилар. Энди уларнинг овозлари дўриллаб, юзларига ҳуснбузар тошган, кафтларига туфлаб тош ойна олдида сочларини силашади.

Қимизхоннинг эри Усмонжон қўйдек ёввош одам. Гап сўрамасанг кечгача ундан садо чиқмайди. Қимизхонни озода дейиш кам, жуда озода дейиш ҳам тўғри келмайди. Уни «супер» озода, яъни ғирт озода, деса тўғри бўлади. Уларнинг уйлари ёғ тушса ялагудек. Ёстиқ жилдлари, кўрпа ғилофлари оҳорлаб дазмолланган. Усмонжоннинг таъбири билан айтганда, бу уй-уй эмас, балниса.

Усмонжон отпускага чиққан. Ишхонадаги казо-казолар ёзда отпуска олиб, Усмонжонга ўхшаган пиёдаларнинг отпускаси қиш чилласига қолган. Бир ҳисобда шуниси ҳам дуруст. Ташқарида совуқ қақшатиб турипти. Оғзингдан чиққан ҳовурдан олдиндаги одам кўринмайди. Бозордаги олма-анорлар тошдек қотган. Деҳқонлар ўраларини очмай совуқ қайтишини кутишяпти. Бир кило сабзи одамнинг баҳоси. Кўчага чиққан эркакларнинг мўйловлари қиров бойлаб моржга ўхшаб уйга қайтишяпти. Туфласанг, тупугинг ерга қарсиллаб тушади. Эшикларнинг ташқари томонидаги тутқични ушласанг, қўлингни чиппа олади. Бундай пайтда кимга қийин, постдаги мелисага қийин. Шундоқ совуқда қайси эсини еган кўчага чиқади.

Қимизхон бугун ишдан вохли қайтди. Ишхонасидаги иссиқ сув қувури ёрилиб, хоналар совуб кетипти.

Эр-хотин аптекадек топ-тоза уйда ҳузур қилиб ўтиришарди. Эшик тепасидаги қўнғироқ шитоб билан жиринглади. Усмонжон шу совуқда қайси эсини еган одам келди экан, деб эшикни очди. Остонада шоп мўйловли, семиз бир киши ҳансираб турипти. Орқасида эллик ёшлардаги қора духоба қўлбола камзул кийган, икки лаби бичилган хотин, ҳудди диаграммага ўхшаш бўйи бири-биридан баланд уч ўғил бола, сочининг учига пилик тақилган беш ёшлардаги қизча турарди. Уларнинг оёқлари остида иккита чемадон, икки-учта сумка, ичига нимадир солинган қоп. Мўйловли киши икки оғир чемоданни учинчи қаватга кўтариб чиққунча терга пишиб кетган. Бурнидан, иягидан чак-чак тер томарди. У ҳозиргина пешона терини артган қўлини узатиб, Усмонжоннинг панжаларини қилчиратиб кўришди. Ундан гуп этиб офтобда қолган хом тери ҳиди келди.

— Парпивой акам сизга кўпдан-кўп дуо дедилар.

Усмонжон бу, Парпивой дегани ким бўлдийкин, деб ўйлаб қолди. Бундан бир ярим ойларча олдин водийдаги шаҳар маиший хизмат комбинати чиқарган маҳсулотларнинг сифатсизлиги тўғрисида тушган аризаларни текширгани борганди. Комбинат идораси тўғрисидаги ҳовлида тўй бўлаётган экан. Уни ҳам қўярда-қўймай олиб киришди. Қимизхоннинг овқатига ўрганган Усмонжон дастурхонга қўл урмади. Сочиқ билан пашшаларни қўриб

1. **2.** **3.**

ўтирди. Тўй эгасининг кўнглига келмасин деб, тақсимчадан бир сиқим хандон писта олиб чақиб еди. Бутун бошли тўйдан егани шу бўлди.

Тўй эгаси ҳукуматнинг дўконида сотиладиган бодрингга ўхшаш узун, шу бодрингдек гавдаси эгилган киши экан. Суҳбат асносида у кишининг исми Парпивой экани, олис бир райондаги бўрдоқичилик базасида қатнаб ишлайдиган бош ахрайник экани маълум бўлди. Улар чиқиб кетишаётганда Парпивой Усмонжонга ана энди қадрдон бўлиб қолдик. Бир дастурхондан насиба едик. Бундан буён бир-биримизникига борди-келди қилайлик, деб унинг адресини ёзиб олганди..

Усмонжон ўйини ўйлаб бўлгунча меҳмон йўлакка кириб бўлишган эди.

Мўйлов чемонданларни бурчакка қўяркан Парпивой ака, Усмонжонникида бир-икки кун туриб, суҳбатини олинглар, жуда баъмани одам деб тайинлаганлар, ҳайрият уйда экансиз, деди.

— Ўша сиз тўйда чақиб еган хандон пистадан бозорга бошқа келмай қўйди. Усмонжонга бир-икки кило юборай деб Парпивой ака иккиуч марта бозорга тушиб чиқдилар. Унақасидан келмапти. Ўша тўйда икки чўнтагини тўлдириб, солиб берсам бўларкан, деб кўп афсусландилар.

Ўзбекчилик, келган одамни кет, деб бўлмайди. У гаранг бир алпозда уларни катта хонага бошлаб кирди. Ошхонадан чиққан Қимизхон нималар бўлаётганига ақли етмай ҳайрон бўлиб турарди. Мўйлов унга, яхшимисан келин, дея ичкарига кириб кетди. Улар қор кечиб келишган эди. Этикларига илашган қор иссиқ уйда эриб, полда кўлмакчалар пайдо бўлди.

Усмонжон хотинига нима дейишни билмай серрайиб турарди.

— Хотин, емоқнинг қусмоғи ҳам бор, деб бекорга айтишмаган. Емай ҳам ўлай, бир қисм хандон писта чақиб егандим.

Қимизхон чой олиб кирди. Мўйлов чойнак қопқоғини очиб, ия, памил экан-ку, келин тўксон бешдан дамла деди. Қимизхон чой олиб кираётган димоғига аллақандай қўланса ҳид урилди. У худди ўрада ачиб қолган селитрали сабзи ҳидига ўхшарди. Қимизхон қайтишда бурнини кафти билан тўсиб ўтди. Бурчакда бели букчайиб ётган этик қўнжидан қатирмачоқ бўлиб кетган пайтава осилиб ётганини кўрмади.

Мўйлов чой устида Тошкентга келишдан мақсадини айтди.

— Шу десангиз, Усмонжон укагинам, бир жиянимиз чақувдан қамалиб қолган. Базадан ўн битта новвосни сотган дейдимие, семиз новвослар ўрнига озғин қари сигирларни алмаштириб қўйган дейдимие, ишқилиб бола бечора туҳмат балосига йўлиқиб, қамалиб ётибди. Шунга передача беришга келдик. Овқатни шу ерда пишириб оборамиз-да. Гўшт ола кетай, десам Парпивой ака, ундай қилманг, Усмонжон ҳафа бўлади дедилар. Кейин, Усмонжонга айтгин, прокурорми, судми, мелиса бошлиғими ишқилиб шулар билан гаплашсин деб тайинладилар.

Кеча ишхонада рўйхат билан гўшт беришган. Усмонжонга ҳам икки кило текканди. Қимизхон гўшт билан картошка қовуриб олиб кирди. Мўйлов қайноқ гўштни оғзига соларкан ия музлаган гўшмиди, деди. У ҳай, майли, деди-ю столдаги арақни пиёлага тўлдириб ичиб юборди. У ичдими, ичига қуйдими, Усмонжон биролмай қолди.

— Укам, бошқа йўқми?

Усмонжон ҳижолатлик билан «йўқ» деди. Шундан кейин мўйлов чемодандан бир шиша олиб очди.

— Танишиб олганимиз яхши бўлди. Учтўрт кун отамлашамиз. Усмонжон укам, биз Парпивойга қуёв бўлишдан ташқари шогирд ҳисобидамиз. Базада мен у кишига сменшикман. Уйда ўн битта новвос, йигирма еттита қўй, тўртта бия бор. Емдан қийналмаймиз. Базада бари бор. Ем дейсизми, комбикорм дейсизми, серобгарчилик. «Жигули»нинг юкхонасида кунига икки марта шаҳар ҳовлига ем опкелишимиз бор. Буни қаранг, мустақиллик шарофати билан биз бечораларнинг ҳам елкамизга офтоб тегиб қолди. Шу дейман, ҳукумат мелисаларни ҳам йўқ қилса эди, ишлари юришиб кетарди.

Суҳбатдан маълум бўлдики, мўйлов Парпивойга куёв ҳисобида экан. Нима бало, кеч уйланганми, болалари ҳали ёш. Кеч фарзанд кўрган эканда бечора, деб ўйлади. Унинг бу ўйини Мўйлов сезиб турган экан, тушунтира кетди.

— Укагинам, бу кеннойингизга загсда патта кесилмаган. Биринчисидан тўққизта бола бор. Бечора герой бўламан деб роса туғди. Тўққизинчисини туғди-ю ўзимизнинг тилда айтганда барака чиқиб қолди. Шунга қарашиб турар деб буни олганман. Парпивойнинг ўгай синглиси, Бахтимни қаранг, Ҳасан-Ҳусан туғиб берса бўладими! Кундошлар бир-бирига душман бўлади, деган гап бекор экан. Опа-сингилдек яшашяпти. Бири молга қараса, бири менга қарайди. Биласизми, Усмонжон, худо севган бандасига Ҳасан-Ҳусан беради. Ҳасан-Ҳусанларни уриб бўлмайди, сўкиб бўлмайди. Шундоқ қилсангиз худо қаҳрига олади. Сизга ҳам эгам Ҳасан-Ҳусан невараларни берсин.

Кеч кириб қолди. Болалар бир-бирига майиз отиб ўйнай бошлашди. Боссанг майиз гиламга сақичдек ёпишади. На ота ҳай, деди, на она. Мўйлов уст-устига уч марта эснади. Болалар мультфильм кўрамиз дейишса ҳам, бўлди, ётиш, деди. У ечиниб ётаркан Усмонжонга нимадир деди.

Усмонжон ошхонага кирди. Хотини иягига кафтини тираб қошлари чимирилганча ўтирарди. Усмонжон қўрқа-писа деди:

— Хотин, меҳмон келин пайтавамни ювиб қўйсин, деяпти.

— Белини уқалаб қўйиш керак эмасмикин? Бир камим бижғиб кетган пайтавани ювишми-

4. **5.** **6.**

ди. Э, меҳмонингиздан ўргилдим.

У шундай деди-ю, ётоқхонага кириб бир метр сурп олиб чиқди. Қоқ ўртасидан тарилларатиб йиртди. Эски пайтавани чўпга илиб ахлат челагига ташлади.

Меҳмон ёмонам ҳуррак тортаркан. Деразалар зириллайди. Хотини тинимсиз кекиради. Қизи қирт-қирт қилиб бошини қашлайди.

УСМОНЖОН эрталаб туалетга кирса меҳмон сувини туширмай чиқиб кетган экан. Деразаларни очиб, хоналарни шамоллатди. Ҳаммаёққа анор донолари сочилган, билмай босиб олсанг ғирт-ғирт қилиб, қизил сув сачратади. Мўйлов кечаси билан йўлак бурчига нос туфлаб чиққан экан. Усмонжон хўл латтани оёғи билан суриб, артиб қўйди. Бир айланиб келса яна туфлабди. Бу гал туфламабди, пуфлапти. Деворлар сепкил бўлиб кетибди.

Қимизхон бугун вохли ишга кетиб қопти. Усмонжон инқиллаб-синқиллаб сабзи тўғради, ош дамлаб, тоғорага солиб берди. Меҳмонлар ошни кўтариб турмага кетишди. Усмонжон уйларни шамоллатди. Гиламга ёпишган сақичдек қора майизларни эмаклаб юриб тирноғи билан кўчирди. Ёстиқ жилдларини, кўрпа ғилофларини чиқазиб, тугиб қўйди.

Меҳмонлар кечга томон қайтиб келишди. Эшик берк. Қўнғироқ тугмасини қанча босишмасин, ичкаридан садо чиқмади. Тўғридаги эшикдан пижама кийган бир киши чиқди.

— Келдингларми? Усмонжоннинг яқин одамини автобус уриб кетипти. Хотини билан жаназага кетишди.

— Қачон қайтишаркан? — деб сўради Мўйлов.

— Биратўласига еттисини ўтказиб қайтишаров. Юкларингиз бизникида. Ҳозир опчиқиб бераман.

— Калитни ташлаб кетишмадими?

— Шошиб қолишганди, бундай пайтда калит эсига келадими.

— Қўшни шундай деб иккита чемодон билан қопни опчиқиб берди. Меҳмонлар турибтуриб пастга тушиб кетишди.

Усмонжон икки кунгача қайнотасиникида ётиб юрди. Замира деган қайнсинглиси келиб уйларни, идишларни қатрон қилди. Поччаси тугиб қўйган кўпра ғилофларини энди кўтараман деб турганди қўнғироқ чалинди. Эшикни очиш билан ассалому алайшум, деб ўрта яшар эр-хотин икки ўғлини эргаштириб кирди. Улардан бири яқинда кўзини очган қопқора кучук боласини кўтариб турарди.

— Усмонжоннинг қадрдонлари бўламиз. Узоқдан йўқлаб келдик.

Замира нима қилишини, нима дейишини билмай серрайиб туриб қолди.

— Йўқмилар? — деди эркак меҳмон. — Бизларни Парпивой деган қадрдонлари юборгандилар.

— Поччам билан опам Янгийўлга кетишган — деди Замира.

— Поччангиз билан опангиз бўлмасалар, мана сиз борсиз-ку. Икки кунгина турамизу кетамиз. Ахир, холодилникда у-бу бордур. Қуриб-қақшаб ётмагандир?

Икки бола болконга чиқиб, пастга қараб ким ўзарга чоптириш қилишди. Пастдан хотинларнинг чувиллашгани эшитилди. Бу шўр сув қайси қават болахонасидан тушаётганини билмай шовқин солишарди.

— Кечирасизлар, мен кетишим керак, — деди Замира.

— Бемалол кетаверинг, Усмонжон келгунча шу ерда кутамиз.

— Ҳали-бери келишмайди.

— Ундай бўлса, яна яхши. Шаҳарда ишларимизни хотиржам бажариб оламиз. Чайқов бозоридан бўлмиш келинга понбархт, парча, японча жемпер, ўзимга комсостав этик олишим керак. Манаву болакайларни ҳайвонот боғига обориб, маймунларни кўрсатаман.

Замира нима қилишини билмай қолди. Охири қўшни уйдан опасига телефон қилди. Қимизхоннинг тили гапга келмас, фақат ҳиқилларди. Трубкани Усмонжон олди.

— Почча, тўрт киши, Парпивой деган киши юборипти. Битта кучук бола билан икки юз граммча хандон писта олиб келишипти.

Қайнсинглиси меҳмонлар кучук бола олиб келишипди, деганидан кейин уни танигандек бўлди. Парпивой ака уни шаҳардаги дайди итларни аравага босиб олиб кетадиган бригаданинг «старший от тутувчиси», деб таништирган эди. Ўшанда старший от тутувчи унга, зотли бир ит топиб бераман, дегани эсига тушди.

Усмонжон узоқ жимиб кетгандан кейин тилга кирди.

— Қўшниларни чақириб, уларни уйдан чиқариб юборинг.

Боятдан бери телефон олдида Замиранинг гапларини эшитиб ўтирган қўшни шатта ўрнидан туриб, тўнини елкасига ташлади. Замирага эргашиб Усмонжоннинг уйига кирди. Меҳмонлар диванда ялпайиб ўтиришар, икки боланинг бири кийим шкафи устига чиқиб олган, яна бири оёғидаги тапочкасини ечиб пианино клавишларига урарди.

— Қани, марш! — деди қўшни. — Бир марта салом берган одамнинг уйига кўч-кўронингни орқалаб, бостириб кириб келаверасанми! Э, сендақа иззатини билмаган меҳмондан ўргилдим. Кўтар жийда халтангни!

— Ия, ия — деди старший от тутувчи. — Тошкентликлар шунақа бўлишадими?

— Шунақа бўлишади, танимаган одамини уйга киритишмайди.

Ана шу воқеадан кейин Усмонжон тўрт хонали уйини шаҳар четидаги уч хонали уйга айирбош қилиб кўчиб кетди. Бу янги уйни, Усмонжоннинг тили билан айтганда, меҳмон экан-ку, ҳатто ОБХСнинг ити ҳам тополмасмиш.

Йўқ, у янглишган эди. Парпивой аканинг одамлари бу уйни ҳам топиб боришди...

7. **8.** **9.**

Тожибой Мамажонов бир неча йилдан буён Қўқон локомотив депосида ишлаб келади. У мураббий сифатида кўп шогирдлар тайёрлаган. Тажрибали машинист тежамкорликка ҳам эътибор беради. У ишлаётган депода ўтган йили 60 тонна дизель ёқилғиси тежаб қолинди. Бу йил эса 13 тонна ёқилғи иқтисод қилинди.

СУРАТДА: Муҳиддин Тиллабоев (чапда) мураббийси Тожибой Мамажонов билан.

Ш. АЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

ХУШХАБАРЛАР

Самарқандда «Ворис» фирмаси тузилди. Унинг вазифаси унутилган майда ҳунармандчилик ва халқ ҳунармандчилигини қайтадан тиклашдан иборат. Фирмага тарихчи, Самарқанд давлат дорилфунунининг муаллими Т. Раҳматуллаев бошчилик қилмоқда. Ишга халқ усталари, халқ анъаналарини эъзозловчи талабалар жалб қилинди.

* * *

Жарқўрғон районида «Ўзбекистон» кичик корхонаси ишга тушди. «Социализм» жамоа хўжалиги ва республика Қишлоқ хўжалиги вазирлиги унинг таъсисчилари бўлишди. Корхона ишчилари 100 гектар ерни ўзлаштиришга киришдилар. Бу ерда эртаки сабзавот, полиз маҳсулотлари ва ҳўл мевалар етиштирилади. Маҳсулотни қишлоқ аҳолисига зарур бўлган халқ истеъмоли молларига алмаштириш режалаштириляпти. Мўлжалда шойи газламалар ишлаб чиқарувчи цех очиш, ғишт ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бор.

• ДОЛЗАРБ МАВЗУДА СУҲБАТ

ҲОЛВА ДЕГАН БИЛАН...

«Ҳурматли «Ўзбекистон овози» рўзномаси муҳарририяти ходимлари! Мен яқинда Жанубий темир йўл бош бекатида бўлдим. Самарқанд шаҳрига бориши керак бўлган бир нуроний отахоннинг чиптани қўлига олган ҳолда поезднинг қачон кетишини билмай хуноби ошиб, одамлардан сўраб юрганини кўриб ачиниб кетдим.

Суриштириб билсам, отахонга поезд Москва вақти билан жўнайди, деб айтишган экан. У эса Москвада соат неча бўлганини билмасдан ҳайрон.

— Мен кейинги вақтда кўп одамлардан шундай мазмундаги сўзларни эшитяпман: Ўзбекистон мустақил, деб эълон қилинганига ярим йилдан ошди. Машиналар, поездлар, самолётларнинг қатнаш жадвалини маҳаллий вақтда ўтказадиган вақт аллақачон келди. Қолаверса, ҳар бир мустақил давлатда қабул қилинган қоида бу. Бироқ бизда транспорт қатнови ҳамон Москва вақтига қараб амалга оширилади. Ушбу муаммони ҳал қилиш вақти келмадимикин?

Салоҳиддин ЭШОНҚУЛОВ.
Ангрен шаҳар меъморчилик бошқармасининг мухандис лойиҳачиси».

● Н. ЭРМЕТОВ, — Ўрта Осиё темир йўли бошлиғининг муовини. — Темир йўл транспортининг маҳаллий вақт билан ишлаши масаласи узоқ вақтдан бери жиддий муаммо бўлиб келмоқда. Бу масала бизнинг бир неча бор ҳаракат қилишимизга қарамай ҳал бўлмади. Бунинг боиси аввало собиқ СССР, ҳозир эса мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларининг ўзаро темирйўл шаҳобчалари билан боғланганидир.

Айни вақтда пассажир ва юк ташиш поездларининг ҳаракат жадвалини тузишда Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари ўзаро поездлар айирбошлашда бир вақтни, яъни «Москва вақти»ни қабул қилган.

Поездларнинг ҳаракат жадвалини бажаришда темир йўл транспортининг ҳар хил бўлим ва хўжаликлари, чунончи локомотив, йўл, алоқа, вагон, пассажир ташиш ва бошқалар қатнашади.

Темир йўл ҳаракати учун МДҲ қабул қилган ягона вақтдан мустасно, агар ҳар бир мустақил давлат ўз маҳаллий вақти бўйича ишласа, юқорида кўрсатилган бўлим ва хўжаликларнинг иш тартиби бузилади ва бу поездларнинг ҳаракат жадвалидан ташқарига чиқиб кетишига олиб келади.

Ҳозирги вақтда Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатларнинг темир йўллараро кенгашида ягона вақтни қайта кўриб чиқиш учун таклиф киритилган.

Мужмал ва қониқарсиз жавоб. Одамлар баҳонани эмас, сарсонлик ва тушунмовчиликлардан қутулиш йўлини кўрсатадиган оқилона ҳаракат ва тадбирни кутишяпти. Жавобдан маълум бўлишича йўловчилар билет кўтариб ҳали кўп сарсон бўлишларига тўғри келади.

Аммо буниси ҳали ҳолва экан. Яқинда Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармаси қайта ташкил этилиб, у «Ўзбекистон ҳаво йўллари» номи билан аталадиган республика миллий авиакомпаниясига айлантирилганда кўпчилик қувонган эди. Бироқ номи ўзгаргани билан ишда жиддий ўзгариш бўлмаса қийин экан. Тайёрагоҳлардаги камчиликлар ҳақида рўзномамизга келаётган шикоятлар буни яққол исботлаб турибди.

Боз устига рўзноманинг расмий сўровига авиакомпания раҳбарларининг муносабати таажжубланарлидир. Биз юқорида айтгандек, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» республика миллий авиакомпанияси бошлиғи номига қўйилган масалага жавоб бериш учун расмий равишда хат билан мурожаат қилган эдик. Унда, жумладан, республика ҳудудида ва республикаларо учадиган самолётларнинг ҳаракат жадвалини Тошкент вақтига ўтказиш масаласи қўйилганди.

Буни қарангки, бор-йўғи кичик-кичик беш жумладан иборат расмий сўров хат кимнингдир ўзбекчани тушунмаслиги учун русчага таржима қилинибди. Шундан сўнг бош директор муовини А. М. Тарсуков имзоси билан жавоб йўлланган. Лекин у умуман бошқа одам ва ташкилотга тааллуқли.

Яхшиси фарқлашда қийинчилик туғилмаслик учун авиакомпания номига йўлланган хат ва унга олинган жавобнинг таржимасини беришни лозим топдик.

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» КОМПАНИЯСИ БОШЛИҒИ
УРТОҚ Ғ. М. РАФИҚОВга!

Ҳурматли Ғани Мазитович!

Рўзномамизга келаётган кўпчилик хатларда Ўзбекистон мустақилликка эришган бўлса-да, ҳануз ҳаво, темир йўл ва автотранспорт қатнови жадвали Москва вақти билан белгиланаётгани хусусида афсус билан ёзишмоқда. Шу муносабат билан қуйидаги саволга жавоб беришингизни сўраймиз:

Республика ҳудудида ва республикаларо учадиган самолётларнинг ҳаракат жадвалини Тошкент вақтига ўтказиш кўзда тутиляптими? Тутилган бўлса, бу тадбир қачон амалга оширилади? Агар Москва вақти сақланиб қоладиган бўлса, нима учун шундай бўлади?».

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИ МУҲАРРИРИЯТИГА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раиси муовинининг таклифига мувофиқ Халқ нойби С. Умаровнинг поездларнинг жўнаши ва самолётларнинг учиш вақтини Москва вақтидан маҳаллий вақтга ўтказиш масаласи ҳақидаги хати кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Госстандартига қуйидагича жавоб берилди: «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси шу йил 1 июндан ягона жаҳон вақтига (МДҲ мамлакатларининг ҳаммасида шу вақтга ўтилган тақдирда) ўтишни режалаштирган. Агар бу қабул қилинса, ҳамма рейслар маҳаллий вақт бўйича амалга оширилади.

Ушбу вақт бўйича ҳал қилувчи қарор Республика ҳукумати томонидан қабул қилинади.

Бош директорнинг биринчи муовини
А. М. ТАРСУКОВ».

Аввало, жавобда белгиланган режа амалга оширишга ишониш қийин. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг ҳаммаси ҳам самолётлар қатновида жаҳон вақтига ўтишга рози бўлишга ким кафолат бера олади? Кафолат бўлганда ҳам жаҳон вақтига ўтиш йўловчиларга ортиқча ноқулайлик туғдиради-ку!

Наҳотки самолётлар Тошкент вақти билан учиб, у қўниш вақтида стюардесса келган жой, шу ернинг об-ҳавоси ҳақида маълумот бериш пайтида маҳаллий вақтни айтишини шунчалик муаммо даражасига кўтарсак!

Ҳа, мустақиллик деган сўз жозибали. Шу билан бирга у ҳар бир кишининг зиммасига алоҳида масъулият ҳам юклайди. Қуруқ сўздан амалий ишга ўтишга ундайди. Мустақил ҳаракатга чорлайди. Бироқ, ҳолва деган билан оғиз чучимайди, деганларидек республикамизда миллий тил давлат тили, деб эълон қилинганига икки йил бўлса-да, ўзбекча сўровга ўзбекча жавоб беролмайдиган, бирор фойдали тадбирни амалга ошириш учун ҳукумат қарорини кутиб ўтирадиганлар ишларида жиддий ўзгаришлар бўлишини ҳаёт тақозо этяпти.

Ҳурматли муштарий! Биз Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси жавобидан ҳам, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» республика миллий авиакомпанияси жавобидан ҳам қониқмадик. Бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай?

К. РИХСИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

БАРАКА — ТОТУВЛИКДА

ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ

●Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданий маркази иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, у мустақил мамлакатимиздаги 60 та миллий марказ фаолиятини мувофиқлаштириб турибди.

Республикамиз мустақиллик йўлида дадил қадам ташлаётган шу кунларда дўстлик, биродарлик, аҳиллиқдан кўра савобли иш йўқ. Мухбирларимиз бир қанча миллий маданий марказларнинг раҳбарлари билан учрашиб, шу мавзуда суҳбатлашди.

Бошқирд миллий маданий марказининг бошлиғи МАРАТ ГАЙСИН:

— Ҳозир Ўзбекистонда 40 мингдан ортиқ бошқирд миллатига мансуб аҳоли бор. Унинг салкам ўн минг нафари Тошкентда яшайди. Бошқирдлар орасидан раҳбар ходимлар, олимлар, шифокорлар, муҳандислар, шоир ва ёзувчилар, рассомлар етишиб чиққан. Ишчилар ва деҳқонлар орасида ҳам бошқирдлар оз эмас.

Менинг ўзимга келсак, Ўзбекистон озиқ-овқат саноати вазирининг ўринбосари бўлганман. Тошкент нон ишлаб чиқариш бирлашмасига раҳбарлик қилганман. Ҳозир эса «Ўзбекгаз» бирлашмасининг ўқув-ишлаб чиқариш комбинатига директорлик қиляпман. Ўсиб келаётган ёш авлод ўз соҳасининг малакали мутахассислари бўлиб етишишлари учун қўлимиздан келган ишларни қиляпмиз.

Миллий маданий марказимиз Ўзбекистондаги бошқирдларнинг бошини қовуштириб, аҳиллик билан ишлашлари, мустақил Ўзбекистоннинг равнақи йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатларига ўз ҳиссаларини қўшишлари учун ёрдам беришга ҳаракат қилмоқда.

Шуниси қувонарлики, Ўзбекистонда миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир кишининг шахс ва виждон эркинлиги таъминланмоқда, унинг миллати, тили ва маданиятига ҳурмат билан қаралмоқда.

Бошқирдлар ҳам туркий-забонлар гуруҳига киради. Динимиз ҳам бир. Ҳозирги қийин кунлар ҳам ўтиб кетади. Халқимиз фаровон, тўқ ва бадавлат яшасин десак, аҳил бўлишимиз, бир ёқадан бош чиқаришимиз лозим. Аҳилликда гап кўп. Барака — аҳиллиқда. Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кўтарилади, деб бежиз айтишмаган.

(ЎзА)

Футбол Футбол

ОМАДИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ!

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» КЎРИК-ТАНЛОВИ

Мустақиллик нафасидан баҳраманд ўзбек футболи янгиланиш сари дадил қадам ташламоқда. Ўзбекистон республикасининг мовий-яшил байроғи остида у ҳадемай халқаро майдонларга чиқиш арафасида. Миллий ва олимпиада терма жамоаларимиз таркиб топган. Барча лигаларда миллий биринчилик давом этмоқда.

Азиз футбол мухлислари!

Рўзномамиз муҳарририяти футбол мухлисларининг кўрик-танловини ўтказмоқчи. Мақсадимиз — ишқибозларни тўп ўйинига қизиқишини, билимдонлигини ва тоқиқлигига ишонч ҳосил қилиш ҳамда Ўзбекистон футболи тараққиётига кўмаклашиш.

Кўрик-танлов саволларига аниқ, мукаммал ва малакали жавоб йўллаганларни мукофотлар кутади. Биринчиликни олган ишқибоз рўзномамизга келаси йил учун текин обуна қилинади. Ғолиблар таниқли футболчиларнинг дастхати туширилган чипор тўп билан тақдирланадилар. Зеро, бундай тадбир ўзига хос сарф-харажат тақозо этади. Чунончи, таҳририятга келган жавобларни таҳлил қилиш учун мутахассислар жалб этилади. Тўпланган маблағдан футбол ишқибозларининг учрашувларини ташкил этишда, айрим ночор спортчиларга ёрдам кўрсатишда фойдаланилади.

ИШҚИБОЗЛАР ДИҚҚАТИГА

ҚИРҚИШ ЖОЙИ

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ ВАРАҚАСИ

1. Мустақил Ўзбекистон олий лига футбол жамоаларининг дастлабки миллий биринчилиги ғолибининг номини айта оласизми? _____

2. Олий лига ўйинларида дарвозани ким кўп марта нишонга олиб, «Моҳир тўпурар» номини олади? _____

3. Биринчи лигадан қайси жамоаларни олий лигага ўтиш учун асосий талабгор бўлади, деб ўйлайсиз? _____

4. Осиё кубоги кимларга насиб этишини айта оласизми? _____

5. Ўзбекистон футболининг халқаро нуфузини ошириш учун Сизнингча нималарга эътибор қилиш керак? _____

Ишқибознинг насаби, исм-шарифи _____

Манзилгоҳи. _____

ҚИРҚИШ ЖОЙИ

Футбол билимдони ва танти ишқибозлар номини рўзномада эълон қилиб борамиз. Жавобларни ёзиб, почта орқали юборилган 10 сўм пул квитанцияси билан қўшиб жўнатинг.

Манзилгоҳимиз: Тошкент — 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй.

«Ўзбекистон овози» рўзномаси футбол танловига, деб ёзинг.

25 сентябрдан кечиккан жавоблар инобатга олинмайди.

Сизларга омад ёр бўлсин!

Футбол Футбол

• *Ажаб савдолар*

Алқисса, физика қонунига кўра нарса бордан йўқ бўлмайди, йўқдан эса бор бўлмайди. Аммо ҳаёт қизиқда, инкорни инкор қонуни ҳам бор. Аниқроғи, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида йўқдан бор, бордан йўқ қилувчи устаси фаранг ишбилармонлар бу қонунни пучга чиқармоқдалар. Сиз турғунлик йилларида ҳатто қирқда миҳ ютиб, лом чиқарган, қутига одам солиб, уни ўраралаб, қоқ ўртасидан иккига бўлган кўзбўямачиларни кўргансиз. Лекин бу ишлар қайта қуриш йилларк «тобланган» жиззахлик «тадбиркорлар»нинг ишлари олдида бир пул...

ШОШМАНИНГ ИШИ БЎШ

Афтидан Жиззах вилояти қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва сотиш ширкати бирлашмасига қарашли район тармоқлари ўртасида бу борада ўзига хос антиқа мусобақа ўтказилган бўлса ажаб эмас. Бу бизга қоронғу. Аммо вилоят ички ишлар бошқармасининг маълумотларига қараганда, улар россиялик бартерчилар билан бўлган «ўйин»да ютқазиб қўйганлар. Жиззахлик «ишбилармон»лар чучварани хом санаган эканлар. Россиялик бартерчилар аввалига роса қулоқни батанга келтирдилар. Ҳа, нима дейсан, қурилиш материаллари тўлиб-тошиб ётибди, фақат бизга мева-чева, сабзавот беринглар, биз эса ўрнига-ўрин «есть» қиламиз...

Жиззахлик ширкатчилар бундоқ дўппини бошдан олиб, ўйлаб қарашса, ҳаммаси «ходовой» нарсалар — тайёр пул, яна Президент фармон чиқариб қўйибди, ер беряпти, уй қурмаган одам борми?! Темир керак, ғишт керак, цемент керак, ёғоч керак. Енг шимариб, ишга киришиб кетдилар. Жиззах вилояти тайёрлов ширкати бирлашмаси (бошлиғи А. Эргашев) биргина 1991 йилда 17 миллион 573 минг 794 сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳаш-паш дегунча Россия шаҳарларига жўнатиб юборди. Лекин «ҳа», деганда саломга алик бўлавермади. Вақт эса кетяпти. «Лес-пес»дан дарак йўқ. Бир кесак билан икки чумчуқни уриб бўлармиди? О, бу орада жиззахлик ширкатчилар Новосибирск, Пермь, Магнитагорск, Витебск, Дзержинский, Павлодарск шаҳарларига қатнайвериб, қанчадан-қанча калишларни йиртиб ташлашгани фақат ўзларига аён. Ниҳоят бир амаллаб 6 миллион 999 минг 943 сўмлик товар олишга базўр эришдилар. Мана 1992 йилнинг май ойи ҳам ўтиб бораяпти. Ҳанузгача 10 миллион 582 минг 851 сўмлик буюмлардан дарак йўқ. Бирлашмага қарашли ташкилотларнинг омборлари эшиклари эса ланг очиқ.

Ўзбекларда «Йиқилган курашга тўймас» дейдилар. Жони борнинг умиди бор. Жиззахликлар бартер ишларини давом эттираверадилар: ҳа, энди «Йиғлаган кўзга — ёш, тилаган оғизга — ош» дейдилар, зора, униб қолса...

Лекин республикамиз бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархи симоб устунидек кўтарилиб бораётган бир пайтда «бартерчи»ларнинг бир қилиғи яна ошиб тушди. Ўтган йили бозорларимизда пиёз нархи уч сўмдан тушмай турган кунларда Жиззах шаҳар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш, сақлаш ва сотиш бозор бирлашмаси (бошлиғи Э. Норматов) Сахалин шаҳрига умумий нархи 126 минг 292 сўмлик бўлган 228 тонна пиёз жўнатган. Аммо бартерчилар Сахалиндан ҳанузгача қизил ва қора икра кутмоқдалар...

Шу ўринда бир нарсага ачинасан киши. 228 тонна пиёзнинг нархи наҳотки 126 минг 292 сўм бўлса? Наҳотки четга арзон сотиб, ўзимизга қиммат сотсак? Ахир ўтган йили бозорда пиёзнинг нархи 3 сўмдан тушмай турган бир пайтда четга 1 килограмм пиёзни қарийб 55 тийиндан сотишни қандай тушуниш мумкин? Ёки бу антиқа мусобақанинг ажойиб бир бандимикан? Ёки ваъда олтиндан қимматмикан? Сирасини айтганда, бартерчиликка ҳам уқув керак...

Жиззах вилояти тайёрлов ширкати бирлашмаси бошлиғи А. Эргашевнинг ёзма кўрсатмасига биноан Россиянинг Горький автомобиль заводига, Новосибирск, Полтава, Благовешенск, Вологда ва Москва шаҳарларига умумий нархи 3 миллион 238 минг сўмлик қовун, тарвуз, олма, пиёз, қуруқ мева ва асал каби маҳсулотлар жўнатилган. «Мижозингдан айрилгинг келса, насияга мол бер» деганларидек, мижозларнинг «ҳиммати»дан шу кунгача дарак йўқ. Шартномага биноан нархи 2 миллион 853 минг 700 сўмлик ёғоч материаллари, цемент, шифер, фанер, бўёқ, мих, қувур, темир-терсаклар қумга сингган томчидек йўқ бўлиб кетди.

«Қўй берган киши ипдан қочмас» деганларидек, Мирзачўл, Жиззах, Октябрь, Пахтакор, Ғаллаорол, Зомин, Арнасой, Дўстлик туманлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва сотиш бирлашмалари (бошлиқлари Р. Рсимбетов, Б. Орзиқулов, Р. Қозоқбоев, У. Хўжимуродов, Т. Бекмирзаев, М. Ниёзматов, Б. Эргашев, В. Салимовлар) ҳам кетма-кет ҳотамтойлик қилишиб, Иркутск, Братск, Ужгород, Гродно, Вилимск, Владивосток, Хабаровск, Камчатка, Ростов, Москва, Чита, Улан-Удэ, Воронеж, Любенск, Благовешенск, Дальнегорск, Бийск, Приморье ўлкаси ва бошқа қатор шаҳарларга помидор, тарвуз, карам, пиёз, сабзи, қовун, олма, тери, анор, беҳи, жўнатаверганлар. Россиялик бартерчилар ҳам бўш келмай, «Туя ютсанг ҳам думини кўрсатма» қабилида иш тутишган. Жиззахлик ширкатчилар эса йўққа ишониб, бордан ажралиб ўтиришибди. Номига юборилган мол жўнатилган маҳсулот олдида урвоғ ҳам бўлмайди... Бол тутганлар бармоғини ялаб қолавердилар.

Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш 1991 йил режаларини вилоятнинг бирор бир ташкилоти бажармай, ўзимизда мева-сабзавот етишмай, нархи осмону фалакка чиқиб турган бир пайтда бундай аҳволга не дейиш мумкин?

«Кўр ҳассасини бир марта йўқотади?» Вилоят ширкат савдо бирлашмаси ва ташкилотлари ходимларининг ўзлари айтганидек 1991 йилда олиб борган ишлари ҳозирги кун талаблари даражасида эмас экан, бунга фақат уларнинг ўзлари айбдор. Ўлкамизда пишиқчилик бошланяпти. Жиззахлик бартерчиларга эса ҳассаларини яна бир бор йўқотмасликни, кўзларини қаттароқ очишларини тилаймиз. Чунки, режасиз иш — қолипсиз ғишт. «Пухтанинг иши беш, шошманинг иши бўш».

Тўхтамурод ТОШЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

Тошкентда 23 майдан 31 майгача "Ўзбегим Интернейшнл" қўшма корхонаси Чилонзор ҳокимияти кўмагида Италия савдо-саноат фирмалари билан биргаликда халқ истеъмоли моллари ва саноат ускуналарининг тижорат кўргазмасини ташкил этади.

Махсус жиҳозланган намойиш залларида модали кийимлар ва пойабзаллар, керамика ва пластмассадан тайёрланган буюмлар, такинчоклар ва бадиий чиннилар, қандиллар ва ёритгичлар, қурилиш материаллари, турли хил саноат ва ишлаб чиқариш маҳсулотларини тайёрлаш линиялари намойиш этилади.

БИЗНИНГ КЎРГАЗМАМИЗ ИТАЛИЯЛИК ДАРОМАДГИРЛАР БИЛАН ТЎҒРИДАН - ТЎҒРИ АЛОҚА БОҒЛАШГА АЖОЙИБ ИМКОНИЯТ ЯРАТАДИ.

БАРЧА МАНФААТДОР ИШБИЛАРМОН КИШИЛАРНИ, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

Манзилгоҳимиз: 700115, Тошкент шаҳри, Чилонзор кучаси, 53 "А" уй.
Телефонлар: 77-76-58, 77-72-34.
Факс 777234.
Телекс 116395 "РОНДО".
Ташкилотчилар: "Ўзбегим Интернейшнл" қўшма корхонаси ва Чилонзор ҳокимияти.

UZBEGIM INTERNATIONAL

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРМОН ДАВЛАТ ҚУМИТАСИ ТОШКЕНТ ЎРМОН МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКУМИ

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА 1992-1993 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникумга тўла ўрта маълумотли йигит-қизлар қабул қилинади.

1. «Ўрмон хўжалиги» — ўқиш муддати 2 йилу 6 ой.
2. «Бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолиятининг таҳлили» — ўқиш муддати 1 йилу 6 ой.
3. «Қишлоқ хўжалиги механизацияси» (ўрмон хўжалиги бўйича ихтисослашиш билан) — ўқиш муддати 2 йилу 10 ой.

ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚОМИССИЯСИГА ТОПШИРАДИЛАР

1. Директор номига ариза.
2. Маълумоти ҳақида ҳужжатнинг асл нусхаси.
3. Меҳнат дафтарчасидан кўчирма (агар бўлса).
4. Тўрт дона 3х4 ўлчамли сурат.
5. 0,86/У шаклидаги тиббий маълумотнома.

а) жамоа, давлат хўжаликлари ва корхоналаридан юборилганлар учун белгиланган шаклдаги мақсадли йўлланма топширишлари шарт.

б) Паспорт ва ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйҳат ҳақидаги ҳужжатларини шахсан кўрсатадилар.

Аризалар 1 июндан—15 августгача ўтказилади. Кириш имтиҳонлари 15 июлдан—20 августгача ўтказилади.

1. Ўрмон хўжалиги бўлимига кирувчилар учун имтиҳонлар:

Қимё — оғзаки. Ўзбек тили — ёзма диктант.

2. Бухгалтерия ҳисоби ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш бўлимига кирувчилар учун

Математика — оғзаки. Ўзбек тили—ёзма диктант.

Ўрта мактабни олтин ёки кумуш медаль билан, ҳунар-техника билим юртини имтиёзли диплом билан тугатганлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Ўрта мактабни 4 ва 5 баҳоларга тугатган абитуриентлар ўрмон хўжалиги ҳамда қишлоқ хўжалиги механизациясы бўлимларига суҳбат натижаларига кўра кириш имтиҳонидан озод этиладилар.

ТЕХНИКУМ МАНЗИЛГОҲИ: Тошкент вилояти, Қибрай ноҳияси, Оқ—қовоқ алоқа бўлими, Тошкент ўрмон мелиоратив техникуми.

Автобуслар: Тошкент метросининг Максим Горький станцияси қошидан «М. Горький — СоюзНИХИ»; «Тошкент трактор заводи» қошидан «ТТЗ—Ботаника» автобусларининг «СоюзНИХИ» бекати.

«А Л Ь Ф А»

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

турли модификациядаги вертикал кўринишда ишланган «Альфа» телевизорларини тижорат марказлари, брокерлик идораларига, ташкилот ва корхоналарга

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ҳисоб-китоб тури: олдиндан ҳақ тўлаш ва аккредитив орқали.

Справкалар ва қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинг: 277050, Қишинев шаҳри, Альба Юлия кўчаси, 75. «Альфа» ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Телекс: 163367 ЭКРАН, телефон: 63-34-29, 63-34-79,
Факс 63-38-38 (0422).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДОРИШУНОСЛИК ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ
1992 йилга

«Дорилар технологияси ва фармацевтика ишини ташкил қилиш» мутахассислиги бўйича 1 та ўринга кундузги бўлимга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри 700015, Ойбек кўчаси — 45.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

Кафедралар бўйича профессор — ўқитувчилар таркибидаги бўш лавозимларни эгаллаш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудирлар:
1. Мусулмон ва чет мамлакатлари давлат ҳуқуқи.
2. Хўжалик ва молия ҳуқуқи.
3. Ўзбек тили.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700047. Тошкент шаҳри, Карл Маркс кўчаси, 35-уй. Кадрлар бўлими.

Телефон: 32-09-39.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Саломатлик маркази жамоаси, марказ врачи А. А. Тоҳирийга волидаи мукаррамлари

Мусаллам ТОЛИББЕК қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўқитувчи» нашриёти жамоаси нашриёт ходими Е. Ёқубовага акаси

Муҳсим ЁҚУБОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси жамоаси кадрлар бўлимининг бошлиғи В. И. Умарҳўжаевага опаси, Улуғ Ватан урушининг катнашчиси

Махсума Исмоиловна УМАРХЎЖАЕВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Фанлар академияси ўсимлик моддалари кимёси институти жамоаси лигнин кимёси лабораториясининг профессори Ҳ. А. Абдуазимовга умр йўлдоши

Ҳакима АБДУАЗИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХЎЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

386.914 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г—128.

№ 99.

индекс 64583.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.